Адл ила олам юзин обод қил!

Куч – адолатда

2024 йил
8 ноябрь,
жума
№ 49
(1031)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.kuch-adolatda.sud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

СУВ ХЎЖАЛИГИДА ТЕЖАМКОРЛИК ВА ОМИЛКОРЛИК – ЗАМОН ТАЛАБИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 7 ноябрь куни қишлоқ хўжалигида сув ва энергия манбаларидан оқилона фойдаланиш ҳамда йўқотишларни камайтириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Бугун дунёда экологик муаммолар, табиий офатлар кўпайиб бормоқда. Бизнинг минтақамизга сув танқислиги хавф солмоқда. Шу боис мамлакатимизда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш, бу неъматни асраш бўйича кўп ишлар қилинмоқда.

Жумладан, 550 километр канал ва ариқлар бетонлангани эвазига 200 минг гектарда сув яхшиланди, йилига 450 миллион куб метр сув иқтисод бўлаяпти. Фермер ва кластерлар томонидан ҳам 13 минг километр ички тармоқ бетонланди.

Сув бошқаруви ислоҳ қилиниб, туманларда сувни ҳисобга олиш тизими шаклланди, фермерлар сувни ҳисоб-китоб қилишни ўрганди. Шаффоф тизим йўлга қўйилгани натижасида бу йил ерга 2 карра кўп сув борди, яна 6 миллиард куб метр сув ҳисоби жойига қўйилди.

Лекин ҳали долзарб масалалар кўп. Масалан, кластер ва фермерларга етказиб берилаётган ҳар бир куб метр сувга республика бўйича ўртача 212 сўм харажат қилинаяпти. Бухоро, Қашқадарё ва Наманган вилоятларида бу 2-3 баробар қиммат.

Охирги йилларда 1 миллиард доллар ҳисобига Қарши, Аму-Бухоро, Аму-Занг каби йирик насос станциялари модернизация қилинди. Лекин ўрта ва майда насослар эскилиги сабабли сув таннархи ошиб кетаяпти. Бетонлаш ҳисобига йўқотиш 10-15 фоизга камайган бўлса-да, 20 та туманда бу кўрсаткич юқори.

Шу каби муаммолардан келиб чиқиб, йиғилишда галдаги вазифалар белгиланди.

Жойларда ҳали бетонлаш зарур бўлган 18 минг километр магистрал ва 94 минг километр ички каналлар бор. Шу боис келгуси йилда бу ишларга 800 миллиард сўм ажратилиши қайд этилди.

Ўтган йили техника, ишчи кучи ва қум-шағалдан ёрдам бўлгани учун бетонлаш харажати 2 карра арзонлашган. Пудратчиларга тўғридан-тўғри шартнома асосида цемент етказиб бериш орқали таннархни яна 20 фоизга пасайтириш мумкинлиги айтилди.

Яна бир жиҳати – бетонланган каналларда сув оқими тезлашади. Бу – кичик ГЭСлар қуриб, электр олишга катта имконият. Навоий вилоятида 11 мегаваттли 148 та шундай станция қуриш бошланган. Умуман, ҳудудларда 2 мингта микро ГЭС қуриб, йилига қўшимча 600 миллион киловатт электр олиш мумкин.

Мутасаддиларга бу борада хусусий шериклик шартларини ишлаб чиқиб, тадбиркорларга эълон қилиш топширилди.

Давлатимиз раҳбари соҳадаги яхши тажрибаларни кўрсатиб ўтди. Жиззах вилояти Дўстлик туманида сув бошқарувини ақлли тизимга ўтказиш бўйича 21 миллион долларлик лойиҳа якунланган. Сув тақсимланадиган 2 мингта нуқтага ҳисоблагич ва видеокамера ўрнатилган. Бунда автоматлашган бошқарув натижасида 20 фоиз, суғориш тармоқларини таъмирлаш ҳисобига яна 10 фоиз сув тежалади. Сув бошқаруви хусусий секторга берилиб, фермерлар билан кооперация тузилади. Илк бор сувга олдиндан тўлов бўлади.

Вилоят ҳокимларига ушбу тизимни ўрганиб, сув таъминоти оғир туманларда жорий этиш вазифаси қўйилди.

Бугунги кунда ерларни суғоришга 1 минг 600 дан зиёд насос станция ишлатилмоқда. Улар ўзига яраша электр энергияси талаб қилади. Шу боис 2025 йил – сув хўжалигида “насослар самарадорлигини ошириш йили” бўлиши белгиланди.

Хусусий шерик билан тежамкор насос ва қуёш панели ўрнатиб, 20 фоиз электр тежаш мумкин. Масалан, хоразмлик деҳқонлар шундай қилаяпти. Шунингдек, қуёш панели ўрнатиб, эҳтиёжидан ортган электрни давлатга сотиб, ойига қўшимча 7-8 миллион сўм даромад олаяпти.

Мутасаддиларга ушбу тажрибани кенгайтиришни рағбатлантириш бўйича топшириқлар берилди.

Республика бўйича 2 миллион гектарда сув тежовчи технологиялар жорий қилингани натижасида ўтган йилнинг ўзида 2 миллиард куб метр сув тежалган. Лекин айрим далаларда ўрнатилган ускуналар ишламаяпти.

Энди бу қатъий назоратга олинади. Келгуси йилда яна 500 минг гектарда сув тежовчи технологиялар ўрнатилади. Қорақалпоғистонда қўлланган лазерли текисланган ернинг ҳар гектарига 1 миллион сўмдан субсидия бериш тизими энди Хоразмда ҳам бўлади. Бошқа ҳудудларда ҳам лазерли текислаш кенгайтирилади.

(Давоми 2-бетда) ▶

Моҳият



Маъмурий назоратда ТУРГАН ШАХСЛАР

бу борадаги қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилмоқда

Мамлакатимизда илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда ички ишлар идоралари тизимини ислоҳ этиш, ҳуқуқбузарликларни барвақт профилактика қилиш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида бир қатор муҳим чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида, жумладан, пробация хизмати фаолияти йўлга қўйилди.

(Давоми 3-бетда) ▶

Ҳуқуқий ҳимоя

СУД ЖАРАЁНИ

унда вакилларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш истиқболлари

Сўнгги йилларда фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини таъминлашга қаратилган муҳим чора-тадбирлар қатъият билан амалга оширилмоқда. Бу борада адвокатура институти, унинг фаолияти нафақат юридик ёрдам кўрсатиш борасида, балки одил судловни амалга оширишда ҳам муҳим ўрин тутади.

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида қонун устуворлигини таъминлашда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу ўринда, жумладан, адвокатура институтини ўзини ўзи бошқарадиган тизимга айлантириш, унинг давлат органлари ва бошқа тузилмалардан чинакам мустақиллигини таъминлаш, адвокатлар малакасини оширишнинг замонавий ва халқаро стандартларга мос келувчи ва муқобиллик тамойилига асосланган тизимини жорий этиш ва адвокатлар сонини 2 минг нафарга кўпайтириш ҳақида сўз бормоқда.



(Давоми 3-бетда) ▶

Оқлов

Адолат тантанаси



Ҳазорасплик Баркамол Худойбергановнинг кўнглини ўртаётган пушаймонликнинг адоғи йўқ эди. Ич-ичидан куйинади, ўзини-ўзи койишдан тинмайди. У сўнгги бир ярим йилдан кўпроқ вақт мобайнида, чиндан ҳам, ана шундай оғир ҳиссиётлар гирдобида яшади. Буниси камлик қилгандай, хорижий корхона билан қонуний асосларда тузилган меҳнат шартномаси асосида ҳалол ишлаб, оиласи юкини енгиллатиш ва шу аснода уй-жойли бўлишга қаратилган нияти ҳам ора йўлда қолди.

(Давоми 2-бетда) ▶

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

Миллий қонунчилигимизда бола ҳуқуқлари такомиллаштирилмоқда

Халқимиз – болажон халқ. Биз учун фарзанд — оила қувончи, Ватан таянчидир. Юртимизда оила доимо жамият ва давлат муҳофазасида бўлиб келган. Буни кўп йиллик тарихимиз ҳам тасдиқлайди. Шу маънода бугунги кунда мамлакатимизда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлангани бежиз эмас.



(Давоми 2-бетда) ▶



Бобур ИСЛАМОВ,
Тошкент шаҳар суди раиси ўринбосари – Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси



(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда)

МИР САЙИД БАРАКА

Тарихчи ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Амир Темур бундай деган: “Қанча ўлкаларни қўлга киритиб, қанча қалъаларни фатҳ этган бўлсам, бу ишларнинг бари шайх Шамсиддин Кулолнинг воситаси, Амир Кулолнинг мадади ва шайх Зайниддин Абубакрнинг ҳамияти ила амалга ошди. Барча муваффақиятга Сайид Бараканинг ёрдами билан эришдим”.

Амир Темур Сайид Баракка билан 1370 йилда илк бор учрашади. Амир Ҳусайн билан ораси бузилганидан сўнг Кешдан Балхга қараб борар экан, Термиз атрофида умрига нақш урган энг яқин пири, улуғ авлиё Сайид Барака билан кўришади. Маккадан келган Сайид Барака аввал амир Ҳусайнга мурожаат этиб, Макка ва Мадина вақфи учун кўмак беришини сўраган.

(Давоми 4-бетда) ▶

ҲУҚУҚИЙ МАЪРИФАТ



Маълумки, ҳар биримиз кундалик ҳаётимизда меҳнат ҳуқуқи тушунчасига кўп дуч келамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки жисмоний ва юридик шахслар ўз фаолиятини меҳнат қонунчилиги асосида олиб боради.

Айтиш керакки, меҳнат ҳуқуқида “иш вақти” тушунчаси муҳим ўрин тутади. Негаки, ходимнинг ишга ўз вақтида келиб-кетиши, тушликка чиқиб-қайтиши, дам олиш ёки байрам кунлари ишга жалб этилиши меҳнат муносабатларида алоҳида аҳамиятга эга.

Бинобарин, Меҳнат кодексининг “Иш вақти” дея номланган 13-боби 181-200-моддаларни ўз ичига қамраб олган. Кодекснинг 181-моддасига биноан, ходим ички меҳнат тартиб-қоидаларига, сменаларга бўлиниб ишлаш (иш) жадвалларига, бошқа ички ҳужжатларга ёки меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ, меҳнат мажбуриятларини қайси вақт мобайнида бажариши керак бўлса, ўша вақт — унинг иш вақти ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда) ▶

Мутолаа эҳтиёжи

«Китоб ўқинг, ҳеч қачон ЮТҚИЗМАЙСИЗ!»

Билим — енгилмас куч, шунинг учун ҳам, кўп китоб ўқиган одамнинг ақли тийрак, тафаккури бой бўлади. Гарчи киши олий маълумотли бўлса-да, бадиий китобларни кам мутолаа қилса, унинг дунёқараши, тафаккур тарзи, муайян сабабларга кўра, олий маълумотга эга бўлолмаган, аммо амалда кўп китоб мутолаа қиладиган одамнинг дунёқарашидек кенг ва бой бўлмайди.



Айниқса, мунтазам китоб ўқиган одам сўз бойлиги кўплиги, фикрлаш йўсинининг кенглиги билан ажралиб туради. Шу боисдан, бу тоифадаги одамлар билан ҳар қандай мулоқот жараёни мазмунли ва самарали кечади. Уларнинг фарқини атиги икки оғиз суҳбат давомида билиб олиш қийин эмас. Чунки китоб ўқиган одам кўча-кўйда ҳам, турли давраларда ҳам ўзини муносиб тутади.

(Давоми 3-бетда) ▶

СУВ ХЎЖАЛИГИДА ТЕЖАМКОРЛИК ВА ОМИЛКОРЛИК – ЗАМОН ТАЛАБИ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Баҳор ва кузги сел сувларини йиғиш – соҳадаги яна бир манба. Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Наманган, Фарғона ва Тошкент вилоятларида шундай иншоотлар барпо қилиб, 50 минг гектарда сув таъминотини яхшилаш имкони бор. “Ўзбекгидроэнерго” компанияси бу борада икки йиллик режа олди.

Президентимиз сув хўжалиги соҳасида кескин ўзгариш қилишнинг бирдан-бир йўли рақамлаштириш эканини таъкидлади.

Насос станцияларига онлайн назорат ва “ақлли сув” қурилмалари олиб келинган. Лекин улардан олинадиган маълумотларни жамлаб, таҳлил қиладиган ахборот тизими йўқ. Сув истеъмоли ва ҳисоб-китоби ўта мураккаб.

Шу боис вазирлик ҳузурида Сув хўжалигини рақамлаштириш маркази тузилиши белгиланди. Унда сув истеъмоли ва ҳисобини юритишнинг ягона ахборот тизими ишга туширилади.

Мутасаддиларга сув хўжалигида 2030 йилгача бўлган энг муҳим лойиҳалар дастурини тайёрлаш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан вазирлар, ҳокимлар ва соҳа мутахассисларининг фикр ва таклифлари эшитилди.

ЎзА

ХУҚУҚИЙ МАЪРИФАТ

Иш вақти



меҳнат муносабатларида муҳим аҳамиятга эга

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Иш вақтига ходим меҳнат мажбуриятларини ҳақиқатда бажарган муддат, ходимнинг айбисиз бекор туриб қолинган вақт, технология ҳамда ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган танаффуслар, болани овқатлантириш учун танаффуслар, шунингдек, асосий ва тайёргарлик-якуний ишларни бажариш вақти (кийим, материаллар, асбоб-ускуналар олиш, техника, ҳужжатлар билан танишиш, иш ўрнини тайёрлаш ва тозалаш, тайёр маҳсулотни топшириш ва бошқалар) киради.

Шу ўринда иш вақтининг нормал давомийлиги, қисқартирилган давомийлиги ва тўлиқсиз иш вақти каби турларига ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Чунончи, ходим учун иш вақтининг нормал давомийлиги шуки, беш кунлик ёки олти кунлик иш ҳафтасига қирқ соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Айрим тоифадаги ходимлар учун уларнинг ёши, соғлиғининг ҳолати, меҳнат шартлари, меҳнат вазифаларининг ўзига хос хусусиятлари ва бошқа ҳолатлар ҳисобга олинган ҳолда, қонунчиликка ҳамда меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек, меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ, меҳнатга тўланадиган ҳақни камайтирмасдан иш вақтининг қисқартирилган давомийлиги белгиланади.

Иш вақтининг қисқартирилган давомийлиги — бу ўн саккиз ёшга тўлмаган, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган, иши юқори даражадаги руҳий, ақлий, асабий зўриқиш билан боғлиқ бўлган тиббиёт ходимларига, педагогларга ва бошқа тоифадаги ходимларга ҳамда уч ёшгача бўлган боланинг бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотларда ишлайдиган ота-онасидан бирига (васийсига) мажбурий тартибда белгиланади.

Сўнгги пайтларда кўпгина 11-синф битирувчилари ёки техникум ҳамда касб-ҳунар таълими ташкилотларининг ўқувчилари дарсдан бўш вақтларида ишлаб, ота-оналарига ёрдам беришмоқда. Бундай вазиятда белгиланган иш вақтининг давомийлиги ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар учун — ҳафтасига йигирма тўрт соатдан, ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимлар учун эса, ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган тартибда белгиланади. Ўқув йили давомида ўқишдан бўш вақтида ишлаётган ўқувчиларнинг иш вақти давомийлиги ёшига қараб, 24 ёхуд 36 соатнинг ярмидан ошиши мумкин эмас. Бу — ҳафтасига 12 ёки 18 соатни ташкил этади.

Меҳнат кодексининг 185-моддасида қайд этилишича, ҳар кунги ишнинг (сменанинг) давомийлиги ўзига нисбатан иш вақтининг нормал давомийлиги белгиланган ходимлар учун олти кунлик иш ҳафтасида — етти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида эса, саккиз соатдан ошмаслиги шарт.

Маълумки, ишланмайдиган байрам кунлари арафасида ҳар кунлик ишнинг (сменанинг) давомийлиги барча ходимлар учун камида бир соатга қисқартирилади. Байрамдан олдинги куни ишнинг (сменанинг) давомийлигини қисқартириш имкони бўлмаган узлуксиз ишлайдиган ташкилотларда ва айрим турдаги ишларда ортиқча ишлаганлик ходимга қўшимча дам олиш вақти бериш ёки ходимнинг розилиги билан иш вақтидан ташқари иш учун белгиланган нормалар бўйича ҳақ тўлаш орқали компенсация қилинади.

Биз истиқомат қилаётган минтақада соат 22:00 дан то соат 6:00 гача бўлган 8 соатлик муддат — тунги вақт ҳисобланади. Тунги вақтда ишлаганлик учун камида бир ярим баравар миқдорида иш ҳақи тўланади. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг “вақтбай” тизимида — тунги вақтдаги ишнинг ҳар бир соати учун 1,5 ёки ундан ортиқ коэффициентни қўллаган ҳолда, “ишбай” тизимида эса, тегишли разрядга (малакага) эга бўлган “вақтбай” тизимида ишловчининг соатлик тариф ставкасининг (маошининг) эллик фоизи ёки ундан ортиқ миқдорида “ишбай” иш ҳақи ва қўшимча тўлов тўлиқ тўланади. Тунги вақтдаги иш учун оширилган миқдорда ҳақ тўлаш тариф ставкаларига (маошларга) киритилмайди. Тунги вақтдаги, шунингдек, кўп сменали режимдаги иш учун иш ҳақига доир қўшимча тўловнинг аниқ миқдори жамоа шартномасида, иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан келишувга кўра, қабул қилинадиган ички ҳужжатларда ёхуд меҳнат шартномасида белгиланади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ана шу тартиб-таомилларга тўла-тўкис амал қилинган жамоада низоли вазиятлар юзага келмаслигини амалдаги қонунчилигимиз кафолатлайди. Демак, ҳар ким — иш берувчи ва ходим ўз мажбуриятлари ва ҳақ-ҳуқуқларини яхши билиши — ҳуқуқий жамият талаби саналади. Бунга тўла амал қилганлар асло ютқизмайди.

Бузрукхон АБРОРОВ,
Фарғона вилояти суди судьяси



ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИГИМИЗДА бола ҳуқуқлари такомиллаштирилмоқда

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Фуқаролик ҳуқуқи соҳасида бола ҳуқуқларини таъминлаш учун кенг қамровли қонунчилик базаси яратилган. Ушбу қонунчилик нафақат болаларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлайди, балки уларнинг жамиятда тўлақонли иштирок этишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб беради.

Бу ҳақда фикр юритганда, даставвал янги таҳрирдаги Конституциямизга тўхталиб ўтиш зарур. Хусусан, Асосий Қонунимизнинг 14-моддасига кўра, давлат ўз фаолиятини инсон фаровонлигини ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қонунийлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари асосида амалга оширади.

Шунингдек, Бош Қомусимизнинг 44-моддаси талабларига асосан, болалар меҳнатининг боланинг соғлиғига, хавфсизлигига, ахлоқига, ақлий ва жисмоний ривожланишига хавф солувчи, шу жумладан, унинг таълим олишига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай шакллари тақиқланади.

Конституциямизнинг 14-боби эса, тўлалигича оила, болалар ва ёшлар ҳуқуқларига бағишланган. Ушбу бобда вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқлари билан боғлиқ бир қатор нормалар қайд этилган. Хусусан, ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга етгунига қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

Давлат ва жамият етим болаларни ҳамда ота-онасининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқишни, тарбиялашни, уларнинг таълим олишини, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топишини таъминлайди, шу мақсадда хайрия фаолиятини рағбатлантиради.

Фарзандлар ота-онасининг насл-насаби ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбуриятидир.

Оталик, оналик, ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Давлат ва жамият болаларда ҳамда ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқликни, мамлакатидан ҳамда халқнинг бой маданий меросидан фахрланишни, ватанпарварлик ва Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш тўғрисида ғамхўрлик қилади.

Бола ҳуқуқлари Конституциямиз билан бир қаторда амалдаги **"Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"**ги қонун, Оила кодекси, **"Таълим тўғрисида"**ги қонун ва бошқа бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам мужассам этилган бўлиб, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради. Бу қонунлар болаларнинг яшаш, соғлом ривожланиш, таълим олиш, ижтимоий ҳимояга бўлган ҳуқуқларини кафолатлайди.

Бугунги кунда дунёда бола ҳуқуқларини чеклаш, болалар меҳнатидан фойдаланиш, уларни эксплуатация қилиш, уларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш, зўравонлик ва бошқа салбий ҳолатлар учраб турибди.

> **Давлат ва жамият болаларда ҳамда ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқликни, мамлакатидан ҳамда халқнинг бой маданий меросидан фахрланишни, ватанпарварлик ва Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш тўғрисида ғамхўрлик қилади.**

Бундай салбий омилларнинг олдини олиш мақсадида мамлакатимизда бир қатор нормалар ишлаб чиқилган. Шу негизда ҳар бир бола шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгалиги, қонун болаларни жисмоний ва руҳий зўравонликдан, шафқатсиз муносабат ва эксплуатациядан ҳимоя қилиши, бу ҳуқуқларнинг амалга оширилишини таъминлаш учун давлат томонидан махсус дастурлар ишлаб чиқилганлиги ва амалга ошириб келинаётганлиги эътиборга сазовордир.

Шунингдек, бола ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш ва бундай ҳолатларга тезкор муносабат билдириш механизмлари ҳам яратилган. Аниқроқ айтганда, юртимизда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун кўп поғонали тизим мавжуд бўлиб, у давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва халқаро ташкилотларнинг ҳамкорлигига асосланган. Бунда асосий механизм ўз ичига суд органлари, бола ҳуқуқлари бўйича вакил (Болалар омбудсмани) институти, васийлик ва ҳомийлик органлари, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, ички ишлар органларининг вояга етмаганлар билан ишлаш бўлинмалари ва бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича нодавлат-нотижорат ташкилотларини қамраб олган.

Ушбу органлар ва ташкилотлар бола ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш, бундай ҳолатларни аниқлаш ва бартараф этиш, шунингдек, болаларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича фаолият олиб боради. Бу тузилмалар ўртасида мунтазам равишда маълумотлар алмашинуви ва мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган.

Болалар учун ижтимоий ҳимоя дастурлари, Меҳрибонлик уйлари ва оилавий болалар уйлари, инклюзив таълим дастурлари, шунингдек, болалар ҳуқуқи соҳасида халқаро ҳамкорлик ҳам кенг йўлга қўйилган.

Шу ўринда фуқаролик соҳасига ҳам эътибор қаратадиган бўлсак, Оила кодексида бола манфаатлари устуворлиги, ота-онанинг бола олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, Фуқаролик кодексида эса, боланинг муомала лаёқати, мулкий ва номулкий ҳуқуқлари мустаҳкамлаб қўйилган.

Фуқаролик кодекси болаларнинг мулкий ва номулкий ҳуқуқларини тартибга солувчи муҳим ҳужжатдир. Кодексда болаларнинг муомала лаёқати, мулкий ҳуқуқлари, шахсий номулкий ҳуқуқлари каби масалалар батафсил ёритилган.

Шунингдек, кодексда болаларнинг ёшига қараб, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб берилган. Бу эса, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва манфаатларини таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, буни болаларнинг қонун асосида ва васият бўйича мерос олиш ҳуқуқига эгалиги, ота-оналаридан моддий таъминот олиш, мулкка эгалик қилиш, яъни ўз номларига расмийлаштирилган мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи, номулкий ҳуқуқ эса, исм-фамилияга эга бўлиш, фикр билдириш, шахсий ҳаёт дахлсизлиги, шаън, қадр-қимматни ҳимоя қилиш ва бошқа бир қатор ҳуқуқларга эга экани мисолида кўриш мумкин.

Ўзбекистон қонунчилиги болаларнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини ҳам кенг кўламда ҳимоя қилади. Бу ҳуқуқлар болаларнинг шахс сифатида шаклланиши ва жамиятда ўз ўрнини топиши учун муҳим аҳамиятга эга.

Чунончи, исм-фамилияга эга бўлиш, фикр билдириш, шахсий ҳаёт дахлсизлиги, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш каби ҳуқуқлар болаларнинг асосий ҳуқуқлари ҳисобланади. Бу ҳуқуқлар турли қонун ҳужжатларида, жумладан, Конституция, Фуқаролик кодекси, Оила кодекси ва "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунда мустаҳкамланган.

Албатта, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий механизмларидан бири – суд ҳимоясидир. Яъни болалар ўз ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Бу жараёнда уларнинг манфаатларини ота-оналари, васийлари ёки ҳомийлари ифодалайди, шунингдек, қонунда белгиланган ҳолларда прокуратура органлари ҳам иштирок этади.

Бугунги кунда илғор хорижий тажриба асосида фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судларида оилавий низоларни кўришга ихтисослашган судьялар корпуси шакллантирилмоқда. Бунинг натижасида бир қатор судларда “Оила судьялари” фаолият олиб бораётгани эътиборга лойиқ воқелик, албатта.

Гап шундаки, “Оила судьялари” корпусини шакллантиришдан кўзланган асосий мақсад — мамлакатимизда оилаларни асраш ва мустаҳкамлашдир. Бу ҳам, ўз навбатида, бола ҳуқуқларини кафолатли таъминлашга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Хусусан, ЮНИСЕФ билан – болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича лойиҳалар, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан – болалар саломатлигини яхшилаш дастурлари, Халқаро меҳнат ташкилоти билан – болалар меҳнатига қарши курашиш бўйича ҳамкорлик, Европа Иттифоқи билан – таълим соҳасидаги ҳамкорлик дастурларини амалга ошираётгани натижасида Ўзбекистон илғор халқаро тажрибани миллий шароитларга мослаштирган ҳолда қўллаётганлиги муҳим самаралар бермоқда.

Оқлов

Адолат

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ниҳоят, 2024 йилнинг 8 июль куни ўзини қийнаб келаётган бу изтироблардан халос бўлди. Аниқроғи, шу куни Хоразм вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация босқич суди адолатни тиклади. 2022 йилда видео тасвирчилик фаолияти билан шуғулланувчи Б.Худойбергановнинг ҳаётида рўй берган кўнгилсизлик шу тариқа барҳам топди.

Ўша куни Б.Худойберганов Ҳазорасп тумани марказидаги “Нур” тўйхонасига анча барвақт келди. Ўзига қарашли тасвирга олувчи воситалар, шунингдек, видео камера билан жиҳозланган ўзи учувчи ускунани созлаганча тўй маросимини суратга олишга киришди. Аммо унинг бу иши узоққа чўзилмади. Тўй ҳали тугамасдан назоратчилар унга учувчисиз бошқариладиган ускуналардан фойдаланиш амалдаги қонунларга биноан ман этилганлигини тушунтиришди. Пировардида эса, аниқланган ҳолат юзасидан далолатнома тузилди ва иш терговга оширилди. Б.Худойберганов Жиноят кодексининг 244^4-моддаси 1-қисми (ўзи учадиган аппаратлардан қонунга хилоф тарзда фойдаланганлик) бўйича ўзига қўйилган айбни рад этмади. Хитой давлатида ишлаб чиқарилган бир дона “Dji RC231” русумли учувчисиз бошқариладиган аппарат ва унинг бутловчи қисмини 2016 йилнинг сентябрь ойидан 2022 йил 7 ноябрь кунигача қонунга зид равишда сақлаб келганини очиқ тан олди. Албатта, суд ва тергов жараёнида ушбу иқрорлик эътиборга олинди. Б.Худойбергановга нисбатан Жиноят кодексининг енгилроқ жазо тайинлашни назарда тутувчи 57-моддасини қўллаш мақсадга мувофиқ, деб топилди. Судланувчига 2 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимиз қонунчилиги изчиллик билан такомиллаштирилиб борилмоқда. Жазо чоралари мутассил равишда енгиллаштирилмоқда. Бу Б.Худойберганов суд томонидан тайинланган жазони ўтаётган пайтда ҳам намоён бўлди. 2024 йил 15 мартда қабул қилинган **“Айрим тоифадаги жиноий қилмишлар учун жавобгарлик либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”**ги қонунга асосан Жиноят кодексининг Б.Худойбергановга нисбатан қўлланилган 244^4-моддасидаги жиноий жазо чораси бекор қилинди. Маҳкумнинг ҳаракати жиноий қилмишдан холи эканлиги эътироф этилди.

Жазоланган шахсни оқлаш учун ана шу эътирофнинг ўзи кифоя. Бунга прокуратура органи эътибор қаратди. Мазкур орган тарафидан кассация тартибида судга йўлланган протестда маҳкумнинг ҳаракатида жиноят таркиби йўқ эканлиги қайд этилди. Шу муносабат билан Б.Худойбергановга нисбатан 2 йил муддатга озодликни чеклаш юзасидан жиноят ишлари бўйича Ҳазорасп туман суди томонидан 2023 йил 24 январда чиқарилган ҳукмни бекор қилиш ва уни Жиноят-процессуал кодексининг шахсни реаблитация қилишга доир 83-моддаси 2-бандига асосан оқлаш сўралди. Айни шу мазмундаги талаб маҳкум тарафидан кассация тартибида судга йўлланган шикоятда ҳам ўз ифодасини топди.

Вилоят судининг жиноят ишлари бўйича кассация ҳайъати ана шу талаблар асосида Жиноят кодексининг 244^4-моддасига киритилган ўзгартишнинг мазмун-моҳиятини алоҳида ўрганди. Мазкур ўзгартишга мувофиқ жиноий жавобгарлик ҳолати маъмурий таъсир чораси қўлланилганидан сўнг келиб чиқади. Унга мувофиқ, шахснинг учувчисиз бошқариладиган аппаратдан фойдаланишга қаратилган ҳаракатини маъмурий қоидабузарлик сифатида баҳолаш керак. Бироқ қонунда уни қўллашнинг бошқа чоралари ҳам назарда тутилган. Яъни Жиноят кодексининг 13-моддаси 2-қисмига кўра, қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эга. Бинобарин, юқорида қайд этилган қонун кучга киргунга қадар тегишли жиноий қилмиш содир этган шахсларга, шу жумладан, жазони ўтаётган ёки ўтаб бўлган шахсларга нисбатан, агар улар ҳали судланган ҳисоблансалар, кодекснинг юқоридаги талаби татбиқ этилади. Қонунда, шунингдек, маъмурий жазони қўллаш муддатлари ҳам қайд этилган. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 36-моддасида белгиланишича, маъмурий жазо қўллашнинг бир йиллик муддати ўтган тақдирда, шахсни ушбу турдаги ҳуқуқбузарлик бўйича жавобгарликка тортиш масаласи муҳокама қилинмаслиги мумкин. Суд кодекснинг ушбу талаби асосида Б.Худойбергановни маъмурий жавобгарликка тортиш масаласини муҳокама қилмасликни лозим топди. Жиноят-процессуал кодексининг 492-моддаси ҳам инсоний бағрикенглик намунасидир. Унга кўра, **“Қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган қонун кучга кирса, суд ҳукмга зарур ўзгартиришлар киритади ёки уни бекор қилиб, иш юритишни тугатади”**. Кассация ҳайъати суди ушбу қоидага асосан, жиноят ишлари бўйича Ҳазорасп туман судининг 2023 йил 24 январда Б.Худойбергановга нисбатан чиқарган ҳукмини бекор қилди. Шу юзадан олиб борилган жиноят иши тугатилди. Кассация протести ва судланган шахснинг шикояти қаноатлантирилди. Бу юртимизда қарор топган адолат ва қонунийликнинг ҳақиқий намунаси бўлди.

Айни шу кунларда инсоний бағрикенгликнинг бундай намунасидан баҳраманд бўлганларнинг сони яна бир кишига ортди. 1975 йили Гурлан туманида туғилган ва вилоят солиқ бошқарамасида масъул лавозимда фаолият юритган Тўрабек Гулмоновни 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш тўғрисида 2016 йил 21 декабрда дастлабки босқич суди томонидан чиқарилган ҳукм,

● *Моҳият*



Маъмурий назоратда ТУРГАН ШАХСЛАР

бу борадаги қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилмоқда

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш, пробация бўлинмалари назорати остидаги шахсларнинг хулқ-атвори устидан таъсирчан назоратни амалга ошириш бўйича янги тизим яратилди. Бу тизим ривожида 2024 йил 7 август куни қабул қилинган **“Пробация тўғрисида”**ги қонун алоҳида аҳамият касб этади.

Ушбу тизим орқали маъмурий назорат ва пробация назоратидаги шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари таъминланмоқда. Уларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш учун шарт-шароитлар яратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, бугунги кунда мамлакатимизда маъмурий назорат ва пробация назоратидаги шахслар ўртасида кенг қамровли профилактика чора-тадбирлари амалга оширилишига қарамасдан, бундай тоифадаги шахслар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар сони ортиб бораётганлиги кузатилмоқда. Бу эса, мазкур йўналишдаги ҳуқуқий таъсир чораларини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Бинобарин, **“Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисида”**ги қонунга асосан, маъмурий назорат оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этганлик учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган ёки ҳар қандай қасддан қилинган жиноятлар учун икки ёки ундан ортиқ марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахсларга нисбатан қўлланилади.

Бу йўналишда 2023 йил маъмурий назорат қонуни таъсири остига тушувчи 5 минг 529 нафар шахсга нисбатан маъмурий назорат ўрнатилган. Аммо 2024 йилнинг фақатгина 9 ойида бу кўрсаткич 5 минг 689 нафарни ташкил этган, яъни ушбу тоифадаги шахслар сони 160 нафарга ортган.

Бундан ташқари 2023 йилда 83 минг 763 нафар шахс ички ишлар органларининг пробация назоратида турган бўлса, 2024 йилнинг 9 ойида айни кўрсаткич 86 минг 226 нафарни ташкил этган. Демак, жорий йилнинг ўтган даврида бундай шахслар сони 2 минг 463 нафарга кўпайган.

Маъмурий назорат остидаги шахсларга судлар томонидан ўрнатилган тақиқ ва чекловларга риоя қилмаганлик учун биринчи марта Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 206-моддасига асосан, жарима ва бир йил ичида такрорий ҳуқуқбузарлик содир этилса, жиноий жавобгарлик қўлланилади.

Бинобарин, ўтган йили маъмурий назоратда турган 4 минг 167 нафар шахс судлар томонидан ўрнатилган тақиқ ва чекловларга риоя қилмаганлиги учун биринчи марта маъмурий баённомалар расмийлаштирилган бўлса, 2024 йилнинг фақат 9 ойида 3 минг 153 нафар шахсга нисбатан маъмурий баённомалар тузилган.

Айнан шу тоифадаги шахслар судлар томонидан белгиланган тақиқ ва чекловларга бир неча бор риоя қилмаганлиги учун 2023 йилда — 717 нафар, 2024 йилнинг 9 ойида эса, 637 нафар шахс Жиноят кодексининг 226-моддаси бўйича жавобгарликка тортилган.

Бугунги кунда судлар томонидан белгиланган чеклов ва мажбуриятларга риоя этмаётган пробация назоратидаги шахслар томонидан ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан, оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этилишининг олдини олиш бўйича тезкор ҳамда таъсирчан чоралар кўрилишини таъминлаш учун ички ишлар органлари пробация бўлинмалари ходимларига қўшимча ваколатларни бериш зарурияти юзага келмоқда.

Шу боис “**Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 206 ва 248-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”**ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди. Қонуннинг мақсади — Ички ишлар вазирлиги томонидан назорат остида турган махсус тоифадаги шахслар ўртасида қонун устуворлигини таъминлаш, улар онгида қонунга итоаткорлик хулқ-атворини, инсонга, меҳнатга, ижтимоий турмуш қоидалари ва анъаналарига ҳурмат муносабатини шакллантиришдир.

Мазкур қонун Олий Мажлис Сенатининг эллик тўққизинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан маъқулланди. Унга кўра: ***биринчидан,*** Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 206-моддаси санкция қисмига амалда бўлган жарима *(базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда)* жазосидан ташқари маъмурий қамоқ *(ўн беш суткагача муддатга)* жазоси ҳам киритилмоқда.

Нега деганда, маъмурий назоратдаги шахсларга маъмурий таъсир чораси қўлланилиши айрим ҳолларда оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этган, икки ёки ундан ортиқ марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахсларга нисбатан етарлича таъсир кучига эга эмаслигини кўрсатмоқда.

Иккинчидан, пробация бўлинмалари ходимларининг назорати остидаги шахс томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда, унга нисбатан маъмурий баённома тузиш учун ҳудудийлик жиҳатдан яқин орада жойлашган таянч пункти профилактика инспекторининг олдига олиб бориб, маъмурий баённома расмийлаштириши – пробация ходимининг иш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиб, ортиқча вақт сарфланишига олиб келмоқда.

Шу боис янги қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 248-моддаси тўртинчи қисмига қўшимча ва ўзгартиш киритиш орқали пробация назоратидаги шахсларга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги баённомани тузиш ваколатини пробация хизматининг катта инспектори ва инспекторига бериш белгилаб қўйилмоқда.

Мухтасар айтганда, ушбу янги қонуннинг қабул қилиниши махсус тоифадаги шахслар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича аниқланган жойнинг ўзида таъсир чораларини қўллашга, ушбу тоифа шахслар билан олиб борилаётган ишлар самарадорлигининг оширилишига, ички ишлар органлари ходимларининг иш юкламалари енгиллаштирилишига ҳамда фуқароларнинг беҳуда оворагарчиликларининг олди олинишига хизмат қилади.

Толибжон МАДУМАРОВ,
Олий Мажлис Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари

Ҳуқуқий ҳимоя



СУД ЖАРАЁНИ

унда вакилларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш истиқболлари

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Маълумки, маъмурий суд ишини фуқаролар шахсан ўзлари ёки вакиллари орқали юритишга ҳақли. Фуқаронинг ишда шахсан иштирок этиши уни иш бўйича вакилга эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Фуқароларнинг суд процессида иштирок этувчи вакиллари икки турга бўлинади. Булар: қонуний вакил ва шартнома бўйича иш олиб борадиган ихтиёрий вакил. Судда иш юритиш бўйича вакил сифатида профессионал фаолият билан фақат адвокатлар шуғулланиши мумкин.

Малакали юридик ёрдамга бўлган эҳтиёжни адвокатура институтини ҳар томонлама ривожлантирмасдан туриб таъминлаб бўлмайди. Шунинг учун янги таҳрирдаги Конституциямизга адвокатурага оид алоҳида боб киритилди. Ушбу бобдаги 141-моддага кўра, жисмоний ва юридик шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатура фаолияти қонунийлик, мустақиллик ва ўзини ўзи бошқариш принципларига асосланади.

Бу конституциявий нормалар орқали барчага тенг малакали юридик ёрдам кафолатланмоқда. Бинобарин, малакали юридик ёрдам тегишли малака ва лицензияга эга адвокатлар томонидан амалга оширилади.

Таъкидлаш керакки, жорий йил 27 февралда қабул қилинган **“Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”**ги қонун айни соҳадаги ислоҳотларнинг изчил давоми бўлди. Ушбу қонун қабул қилинганлиги муносабати билан амалдаги айрим қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 60-моддаси аризачига нисбатан юридик ёрам кўрсатилишига оид нормалар билан тўлдирилди. Мазкур нормаларга асосан суд аризачининг илтимосига кўра, **“Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”**ги қонунга мувофиқ, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатнинг иштирок этишини таъминлаш чораларини кўриши шарт.

Бунда давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокат жалб этиладиган пайтга қадар суд ишнинг муҳокамасини кейинга қолдириши ва адвокатнинг ишда иштирок этиши тасдиқланган пайтдан эътиборан унга ишга киришиш учун камида тўрт соат вақт берилиши керак эканлиги ҳам белгиланди.

Шунингдек, **“Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”**ги қонуннинг 9-моддасида давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахсларнинг рўйхати белгиланган. Унда кам таъминланган аризачилар маъмурий ишлар бўйича мазкур ҳуқуққа эга эканлиги кўрсатилган.

Қонунчиликдаги ушбу янгиликнинг аҳамияти шундаки, эндиликда инсон ҳуқуқ ва эркинликларидан бири бўлган малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини таъминлашнинг процессуал ҳуқуқий асослари қонунчиликка киритилди. Зеро, янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 29-моддасида инсоннинг шахсий ҳуқуқларидан бири сифатида белгиланган ҳар кимга малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланиши, қонунда назарда тутилган ҳолларда юридик ёрдам давлат ҳисобидан кўрсатилиши қатъий белгиланган.

Шу ўринда бу борада ўзимизнинг баъзи таклифларимизни билдирмоқчимиз. Гап шундаки, ушбу ҳуқуқ маъмурий суд ишларини юритиш иштирокчиларидан бири бўлган учинчи шахсларга ҳам татбиқ қилиниши қонунчиликда белгиланса, мақсад мувофиқ бўларди. Чунки процессуал қонунчиликка кўра, учинчи шахслар икки турга: мустақил талаблар билан арз қилувчи ва мустақил талаблар билан арз қилмайдиган шахсларга бўлинади.

Низо предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар аризачи ёки жавобгар томонидан ишга киришади. Улар жавобгар томонидан ишга киришган ҳолларда аризачининг ҳуқуқларидан фойдалана олмайди.

Учинчи шахслар – кўрилаётган маъмурий иш уларнинг ҳуқуқлари ёки мажбуриятларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шахслардир. Шу омилни инобатга олган ҳолда, уларга ҳам давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқи назарда тутилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Мухтасар айтганда, **“Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”**ги қонуннинг 9-моддасида фуқаролик ишлари бўйича кам таъминланган даъвогар ва жавобгарлар давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга эканлигининг белгиланганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, ушбу йўналишдаги ислоҳотлар адвокатуранинг жамиятдаги нуфузини оширишга, одил судловга эришишда тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлиги принципини мустаҳкамлашга, суд ва тергов жараёнида адвокатлар ваколатларининг тўлақонли амалга оширилишига, пировардида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясининг янада кучайтирилишига хизмат қилади.

Умида НИШОНОВА,
Наманган вилояти маъмурий суди судьяси

Мутолаа эҳтиёжи

«Китоб ўқинг, ҳеч қачон ютқизмайсиз!»

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Дунё олимларининг тадқиқотларига кўра, китоб ўқиган одамнинг мия фаолияти тиниқ ва шаффоф ишлайди, шунинг учун зеҳни ўткир ва хотираси кучли бўлади. Бундай сифатлар унинг нотиқлик қобилиятини мукаммаллаштиради. Доимий китоб ўқийдиган, илмий мавзуларда мулоқотлар қиладиган, кўпчиликка маъруза ўқийдиган, омма олдида нутқ сўзлайдиган кишилар альцгеймер касаллигига чалинмаслиги фанда ўз исботини топган.

Китоб – бу ақл чархидир, бироқ ўқиганингизни ҳаётий мезонлар асосида талқин қилмасангиз, у оддий қоғоздан деярли фарқ қилмай қолади. Модомики, мақсад – ўқиш экан, ундан керакли маънони уқиб олиш шарт. Зотан, китоб – инсоннинг нимадандир безовталанса – тинчлантирадиган, маҳзун кайфиятга тушса – руҳлантирадиган, қимматли маслаҳатлар берадиган, фикрини тераранлаштирадиган, гумонларини ойдинлаштирадиган ва асло таъна қилмайдиган чин дўстидир.



Фурсатдан фойдаланиб, камина бу мавзу якунида шундай деган бўлардим: уйингиз шоҳона жиҳозланган, жавонларингиз қимматбаҳо идишлар билан тўлдирилган, қандилларингиз энг ноёб биллурдан бўлиши мумкин, аммо жавонингизда китоб бўлмаса, сиз энг қашшоқ киши бўлиб қоласиз. Сиз фарзандларингизга ўрнак бўлиш, савиянгизни янада ошириш учун китоб ўқинг, ҳеч қачон ютқизмайсиз!

Маҳбула МАМАДАЛИЕВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

тантанаси

яна икки нафар фуқаронинг қалбини нурафшон этди

ушбу жазони қисқартириш юзасидан кассация босқичи судининг ажрими ҳамда жазони ўз кучида қолдириш ҳақида 2021 йил 16 июнда Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2023 йил 17 сентябрдаги ажримига мувофиқ бекор қилинди. Иш дастлабки босқич судида аппеляция тартибида кўриб чиқиш учун Хоразм вилоят судига юборилди.

Ишнинг ҳақиқий ҳолати ана шу жараёнда ойдинлашди. Масаланинг моҳияти ва жиноят иши тафсилотлари тубдан ўзгарди. Судга янгидан ва асосли факт ҳамда далиллар асосида тақдим қилинган ҳужжатлар Жиноят кодексининг фирибгарлик, қасддан банкротликка олиб келиш, солиқдан бўйин товлаш, савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш, фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилишга тааллуқли 168, 28-181[1], 184, 189, 190, 205-моддалари тегишли қисм ҳамда бандлари бўйича 8 йил муқаддам Т.Гулмоновга тақалган айблар асоссиз эканлигини кўрсатди.

Судларда муҳокама этилган ҳолатларга қараганда, Т. Гулмонов солиқ идорасидаги масъул лавозимидан ғаразли мақсадларда фойдаланган. Хусусан, давлат идорасидаги иш фаолияти давомида яқин қариндошларига тегишли бўлган турли хусусий фирмалар ва жамиятларга раҳнамолик қилиб, ўзининг маслаҳат ва йўл-йўриқлари билан уларга яқиндан ёрдам кўрсатган. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳужжатлар ҳамда ҳисоботларда акс эттирмаслик йўлларини ўргатган. Шу тариқа тўловдан бўйин товлаш орқали кўпроқ даромад олиш, ноқонуний бойлик орттиришга кўмаклашган. Шу аснода 15 дан кўп ҳолатда жиноий қилмишларни содир этган.

Апелляция босқичи суди дастлабки суд ва тергов жараёнида маҳкумга нисбатан қўйилган ушбу айбларни ҳар томонлама ва ишончли манбаларга таянган ҳолда текширди. Факт ва далилларнинг мақбуллиги юзасидан Олий суд Пленумининг 2018 йил 24 августдаги 24-сонли қарори талабларига таянди. Жиноят ишини дастлабки босқич судида кўриш пайтида йўл қўйилган жиддий хато ва камчиликлар ана шу жараёнда аниқланди. Т.Гулмоновга оид суд ҳукми объектив далиллар билан асослантирилмагани, айбланувчининг важлари, эътирозлари қўшимча маълумотларни тўплаш орқали тўлиқ текширилмагани, судланганлар ҳамда гувоҳларнинг кўрсатмаларига етарлича эътибор берилмагани, жиноят содир қилинганлигини тасдиқловчи инкор қилиб бўлмайдиган, ишонарли ва асосли далиллар тўпланмагани, қўйилган айблар қоидага мувофиқ зарурий аудио ёки видеоёзувлар, телефон ёки бошқа мосламалар орқали амалга оширилган сўзлашувлар, айбланувчининг қилмишини фош этувчи маълумотлар билан исботланмагани, судлов ва тергов тадбирлари тахмин ва фаразларга асосланган ҳолда олиб борилгани, Жиноят-процессуал кодексида белгиланган ва барча тергов органлари учун ягона ҳамда мажбурий саналган ҳақиқатни аниқлашга етарлича эътибор берилмагани, айбсизлик Презумпцияси талаблари бузилгани маълум бўлди. Бундан ташқари апелляция судида кўпгина гувоҳ ва жабрланувчилар ўшанда ўзларига нисбатан босим ўтказилгани, ҳатто ёлғон тарзда гувоҳлик беришга мажбурлашганини таъкидлашди. Жумладан, қурилиш ашёларини ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи тадбиркор Д.Эрниёзовнинг гувоҳлик беришича, Т.Гулмонов ўзи харид қилган 600 минг сўмлик маҳсулотни, жиноят иши ҳужжатларида қайд қилинганидек, текинга олиб кетмаган. Маҳсулот учун сўралган пулни тўлаган. Бошқа бир гувоҳ, Гурлан туман солиқ идорасида бўлим бошлиғи вазифасида ишловчи А.Машариповнинг айтишича, Т.Гулмоновга нисбатан ўз қариндошига қарашли хусусий фирманинг 587,1 миллион сўм ҳажмидаги солиқ қарзи–молиявий жаримани яширишга кўмаклашганлик бўйича қўйилган айб ҳақиқатга мос келмайди. Маълум бўлишича, А.Машарипов раҳбариятнинг топшириғи бўйича ана шу фирмада ўтказилган ҳужжатли текшириш тадбирида шахсан қатнашган. Аммо унда юқори лавозимда ишловчи Т.Гулмоновнинг аралашувига гувоҳ бўлмаган. Апелляция суди бошқа барча гувоҳлар: И.Ҳайитбоев, Ш.Ҳайитматов, М.Мадраҳимов, Ф.Ўринов, И.Тангриберганов, М.Юсупов, Ғ.Эшчонов, Қ.Янгибоев, К.Бобожонов, Х.Пирматовларнинг айни шу мазмундаги баёнотларини ҳам тинглади. Т.Гулмоновнинг айбсиз экани шу аснода равшан тортди.

Суд Жиноят кодексининг юқорида зикр этилган моддалари бўйича юклатилган барча айбларни Т.Гулмоновнинг зиммасидан соқит қилди. Маҳкум тўла оқланди. Айни пайтда реаблитацияга доир ҳуқуқлари ҳам тикланди. Шу важдан ўзига етказилган мулкий, маънавий ва бошқа зарарларни қоплаш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида кечаётган кенг кўламли ислоҳотлар инсон қадрини улуғлаш, адолатни юзага чиқаришга қаратилган. Судларда ноҳақ айбланган шахсларнинг оқланаётгани ана шу ислоҳотларнинг ёрқин ифодасидир.

Шуҳрат РАЗЗОҚОВ,
Хоразм вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати судьяси
Абдулла СОБИРОВ,
“Куч – адолатда” мухбири

Жиноятга жазо муқаррар

Ношукурлик КАСРИ

ёки жиноят кўчасига кирган аёл қисмати

Жамиятимизда аёлларга нисбатан алоҳида ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилади. Аёлга мунис, мўътабар, муқаддас бир зот сифатида қаралади.

(Давоми 4-бетда) ▶

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Амир Ҳусайн бу илтимосни қурслик билан рад этган ва Сайид Барака бундан оғринган. Сўнгра у Термизда Амир Темур билан учрашган. Амир Темур унга беҳад эҳтиром кўрсатган. Бундан қувонган Сайид Барака Оллоҳдан Амир Темурга ёрдам кўрсатишини сўраб дуо қилган. Амир Темурга салтанат рамзи саналган довул ва байроқ тақдим этиб, дунёга подшоҳ бўлурсан, дея мужда берган.

Китобларда Мир Сайид Бараканинг руҳоний қуввати ҳақида кўп ривоятлар мавжуд. Ибн Арабшоҳ улардан бирини ўз асарида келтиради. Ривоятда таъкидланишича, Амир Темур ва Мир Сайид Барака охирги марта 1403 йили Қорабоғда кўришган. Бу чоғда Амир Темур Усмонли султони Йилдирим Боязид устидан зафар қозониб, Қорабоғдаги қароргоҳига қайтган эди. Соҳибқирон чодирни тарк этиб, пирига пешвоз чиқар экан, тўсатдан вафот этган салтанат валиаҳди — невараси Муҳаммад Султон исмини тилга олиб, йиғлаб юборади. Мир Сайид Барака ҳам бошидаги салла печига кўз ёшларини артади. Иккови бир-бирини қучоқлаб, бир муддат йиғлашиб туради.

Манбаларда айтилишча, Мир Сайид Барака 1403 йилда вафот қилган. Абу Тоҳирхўжа Самарқандий “Самария” асарида ёзганидек, Мир Сайид Бараканинг қабри Самарқанд шаҳрида, Амир Темур Кўраган мақбараси ичидадир.

Сайид Барака Кирмондан Балхга келиб, Амир Темурга кўмакчи бўлган. Амир Темур уни Самарқандга олиб кетган. Сайид Барака Самарқанддалик пайтида Амир Темур невараси Муҳаммад Султон мадрасасини кўргани боради, сўнгра ўша мадрасанинг бир тарафида ўзи учун кўк гумбазли мақбара қурдиради. Сайид Барака вафот топгач,



Тарих тилсимлари

АМИР ТЕМУР

унинг жасадини Мозандорондан Самарқандга келтириб, ўша кўк гумбаз остига дафн эттиради. Келажакда ўз жасадини ҳам унинг оёғи остига қўйишларини ишорат қилади. Шунинг учун Соҳибқирон вафот этгач, уни Сайид Барака қабрининг этагидаги қабрга қўйишади.

Амир Темур умр бўйи олиму уламоларга, устозлари ва пирларига иззат-икром кўрсатиб, уларнинг маслаҳат ва руҳоний ёрдамларига суяниб, қудратли салтанат қурди. Ундаги тенгсиз ҳарбий салоҳиятнинг, буюк салтанатининг тамалида устозларининг шуури, руҳоний қудрати мавжудлиги шубҳасиздир.

ШУНДАЙ ОЛИМЛАР БЎЛСА...

Амир Темурнинг ҳаёти, унинг маънавий камол топишида ҳазрат Аҳмад Яссавийнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Аҳмад Яссавий ҳикматлари жамланган девон унинг доимо ўқийдиган, ёстиғи тагида сақлайдиган китобларидан эди. У тез-тез Яссавий қабри зиёратига борар, унинг руҳига дуолар ўқирди.

Амир Темур Шомни фатҳ этганида, ҳазрат пайғамбаримизнинг рафиқаларидан Умму Салама ва Умму Ҳабибанинг қабрларини зиёрат қилиб, уларга мақбара қурдирган эди.

Соҳибқирон ўзи борган ҳар ўлкадаги, забт этилган қалъа ва шаҳарларидаги пайғамбарлар, саҳобалар ва машҳур олимлар қабрларини зиёрат айлаб, улар руҳига тиловат қиларди. У Боязид Бистомий, Имоми Аъзам Абу Ҳанифа, шайх Баҳлули Доно, ҳазрати Ҳусайн, Ҳаким Термизий, шайх Иброҳим Яҳё, Абу Муслим Марвозий, Идрис алайҳиссалом, Суфён Саврий каби муборак зотлар мозорини зиёрат этиб, дуолар қилган.

Амир Темур янги ҳукмдор бўлган пайтлари ўша даврнинг энг катта икки олимини саройига чақириб, улар билан суҳбат қиларди, кейин от чопишарди. Улардан бири Сайид Барака эди. Иккинчиси ҳам машҳур бир уламо ҳисобланарди. Бир куни учалови от суриб боришар экан, Амир Темур атай отини секинлатди, Сайид Бараканинг оти илгарида борарди. Амир Темур ва суҳбатдош олим иккови бир муддат тенг боришди. Шунда Соҳибқирон йўлдошига “Устод, Сайид Баракани улуғ авлиё, улуғ олим, дерлар, қаранг, биздан илгарида кетмоқдалар,” деди. Олим зот унга: “Амирим, бу зотнинг илми ва даражаси шу қадар юқорики, оти учса ҳам ўринлидир. Шу боис биздан олдинга ўтди. Бу зот билан бир даврда яшаётганимиз учун Оллоҳга шукр қилишимиз керак,” деди.

Амир Темур отини қамчилаб, Сайид Баракага етди. Ҳалиги олим ортда қолди. Бир мунча вақт тенг кетишди. Шунда Амир Темур Сайид Баракага юзланиб, “Бу кишига буюк олим, билимлари дарё деб ҳурмат кўрсатадилар. Аммо ёнимизда эмас, орқамизда от сурмоқда,” деди. Сайид Барака унга бундай деди: “Амирим, у зотнинг даражаси, илми шунчалар оғирки, шунчалар чексизки, оти бу одамнинг илмини кўтара олмай қийналмоқда, шу сабаб орқада қолди. Бу зот билан бир замонда яшаётганимиз учун Оллоҳга қанча шукр этсак, шунча оз.”

Амир Темур бу икки олимнинг сўзларидан жуда мамнун бўлди ва бундай деди: “Олимларнинг аҳиллиги, албаттаки, барча юртдошларнинг аҳиллигидир. Олимлар бир-бирлари билан чиқишмасалар, бу аҳоли ўртасида ҳузурсизикка йўл очади ва тинчлик бузилади. Ёнимда шундай олимлар бўлса, ҳеч қачон енгилмайман.”


(Давоми келгуси сонда)

Турк тилидан
Тоҳир ҚАҲҲОР таржимаси

Қизиқарли фактлар

Маълумки, машҳур табиатшунос Жак-Ив Кусто номи, унинг сувости саргузаштлари ҳақидаги фильмлари жуда машҳур. Аслида, у ўзига хос кашфиётчи ҳам эди, яъни у ғаввослар кийими, сув ўтказмайдиган видеокамера ва ёритиш ускуналарини яратиш орқали сувости дунёсини ўрганиш борасида ўзига хос инқилоб ясади, десак, муболаға бўлмайди.

Жаҳонгашта САЁҲАТЧИ



Чунончи, у сайёрамизнинг энг сирли ва кам ўрганилган сув ҳавзаларида элликка яқин экспедиция ташкил этиш орқали ўнлаб фильм ва китоблар яратган. У биринчи сувости телевизион тасвир тизими муаллифи ҳамдир.

Жак-Ив Кусто 1910 йилнинг 11 июнида Франциядаги Дордон дарёси қирғоғида жойлашган Сент-Андре-де Кубзак шаҳарчасида туғилган. Ўн ёшида ота-онаси билан Нью-Йоркка кўчиб келган Жак сув остида сузиш бўйича илк машқларни Америкада ўрганди. 1933 йилда Брестдаги Франция ҳарбий-денгиз академиясини тугатгач, Кусто йўлланма билан “Жанна-д'арк” ўқув тажриба кемасига жўнатилади. Шу кемада у дунёни айланиб чиқади. Шанхайда жойлашган француз ҳарбий-денгиз базаси бошлиғининг катта ёрдамчиси вазифасида ишлаган пайтда эса, Осиё орқали саёҳат қилиб, Францияга етиб боради. Ватанига қайтгач, у ҳарбий-денгиз авиацияси мактабига қабул қилинади. Бироқ тоғда автомобиль ҳалокатига учраши унинг ҳарбий-денгиз учувчиси бўлиш орзусини чиппакка чиқарди. Бундан ҳам ёмони, врачлар унинг оғир жароҳат олган қўлини кесиб ташлашдан бошқа чора қолмаганини айтишади. Аммо Жак-Ив Кусто бунга рози бўлмайди ва саккиз ой давом этган даволаниш ва тинимсиз машқлар эвазигагина қўлларини сақлаб қолади. Кейин у соғлиғини тиклаш учун Франциянинг Тулон сайёҳлик шаҳарчасидаги базага жўнатилади. Айнан шу ерда Кусто Жак-Ив денгизни жонидан ортиқ севадиган дўсти лейтенант Филипп Тайени учратади. Жак-Ив Кусто бошидан кечирган фожеали воқеаларни эшитган Ф.Тайе унга сузиш орқали қўлларини чиниқтиришни тавсия этади. Жак-Ив Кусто сувостида узоқроқ қолишга имкон берадиган мосламани орзу қиларди. Албатта, у ниятини рўёбга чиқариш мақсадида изланиш олиб боради ва ниҳоят, қуролсоз устага сувостида нафас олишга ёрдам берувчи қурилма ясашга буюртма беради.

Ушбу қурилмани синовдан ўтказишга Жак-Ив Кусто аввалига йигирма беш фут (саккиз метр) чуқурликда ўзини жуда яхши ҳис қилади. Бироқ қирқ беш фут, яъни 14 метр чуқурликка тушганида кутилмаганда томирлари тортишиб қолиб, ҳушини йўқотади. Бахтли тасодиф туфайли денгизчилар уни қутқариб қолишади. Бундай муваффақиятсизликка қарамай у изланишдан тўхтамайди, 1943 йил Жак-Ив Кусто Франциядаги “Aiv Liryide” фирмаси муҳандиси Эмиль Ганян билан ҳамкорликни йўлга қўяди ва орзулари рўёбга чиқишига йўл очилади. Аниқроғи, бу ҳамкорлик натижасида сув остида узоқ қолиш имконини берадиган қурилма яратилади ва бу қурилма “акваланг” дея номланади. Бу қурилма ёрдамида сувостига 90 метргача тушиш мумкин эди.

Жак-Ив Кусто сув ости дунёсини ўрганишда океанограф ва бошқа олимларнинг ёрдамидан фойдаланиб турарди. Бироқ унга ўзининг мақсадини амалга ошириш учун илмий-тадқиқот учун асбоб-ускуналар билан таъминланган махсус кема зарур эди. Унинг мақсадини эшитган тадбиркорлардан бири Мальтага йўл олишни тавсия этади. Чунки ўша пайтда Мальтанинг Ла-Валетта портида қўплаб захирадаги ҳарбий кемалар тўпланиб қолганди, Жак-Ив Кусто ўзи “Калипсо” деб ном берган кемани айнан шу ердан топади. Кема 1942 йилда Сиэтлда қурилган бўлиб, уруш йилларида Буюк Британия ҳарбий-денгиз флотида ундан миналарни тозалаш, кейинчалик эса, паром сифатида фойдаланилган. Ниҳоят, Жак-Ив Кусто 1950 йилда ўз кемасига эга бўлади.

1951 йилнинг ноябрида Қизил денгизга “Калипсо” билан бирга дастлабки саёҳат уюштирилади. Кема жамоаси таркибида Жак-Ив Кустонинг рафиқаси Симона, ўғиллари Жак-Мишель ва Филипп бор эди. Унинг “Калипсо” билан эришган дастлабки ютуқлари сирасига сувости археологик тадқиқотлари ва 7250 метр чуқурликдаги денгиз тубини суратга олишни киритиш мумкин. Кейинчалик ушбу кемада уммонлараро саёҳатлар уюштирилади ва оламшумул кашфиётлар яратилади.

Жак-Ив Кусто нафақат XX асрда тенгсиз уммон тадқиқотчиси, балки истеъдодли ижодкор сифатида ҳам юксак муваффақиятларга эришган. Унинг франциялик машҳур кино оператори Фредерик Дюма билан ҳамкорликда ёзган “Сукунат оламида” китоби ўз вақтида энг кўп нусхада чоп этилган. Ушбу асарнинг киноталқини эса, 1956 йилда “Оскар” ва “Олтин пальма” каби совринларга муносиб кўрилган. Денгиз остига саёҳатлар асносида суратга олинган кўп қисмли “Кустонинг сув ости саргузаштлари” ҳужжатли фильми 1965 йилда “Оскар” мукофатига сазовор бўлган.

Дунё океанининг жуда тез ифлосланиб бораётганидан ташвишга тушган Жак-Ив Кусто 1974 йили экологик муҳофаза масалалари билан шуғулланадиган “Кусто жамияти”га асос солди. Жак-Ив Кусто 1997 йилнинг 25 июнида Парижда вафот этди. Машҳур саёҳатчидан кўплаб ажойиб тадқиқотлар, хотиралар, илмий изланишлар қолди.

Интернет материаллари асосида Шаҳло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.

Жиноятга жазо муқаррар

Ношукурлик касри

ЁКИ ЖИНОЯТ КЎЧАСИГА КИРГАН АЁЛ ҚИСМАТИ

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Минг афсуски, кейинги вақтларда баъзи бир аёллар ўткинчи ҳавасга берилиб, шаънига доғ туширадиган турли хилдаги жиноий қилмишларга қўл ураётганидан кўз юмиб бўлмайди. Жумладан, аёллар орасида фирибгарлик, товламачилик, ўғрилик, гиёҳвандлик моддалари савдоси билан шуғулланиш каби жиноятлар сони ортиб бораётганлиги кишини ташвишга солмай қўймайди.

Шу ўринда ҳаётий мисолларга эътибор қаратсак, Сарвиноз Норова (исм-шарифлар ўзгартирилган) Сурхондарё вилоятининг Денов туманида туғилган. Эндигина йигирма ёшдан ўтган бу аёл оиланинг қадрига етмади, бир нафар фарзандли бўлгач, эри билан ажрашди. Бунга асосан унинг оиланинг муқаддаслигини англаб етмагани, тўғри йўлдан адашгани сабаб бўлди. Чунки у аллақачон фирибгарлик жиноятини содир этиб, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг ҳукмига кўра, жарима жазосига судланганди. Аммо у суд томонидан тайинланган 2 миллион 700 минг сўм миқдоридаги жаримани тўлашдан ҳам бўйин товлайди. Шу боис ҳибсга олинади.

Шу ўринда тўғри йўлдан адашган бу аёлнинг кейинги жинояти тафсилотларига тўхталадиган бўлсак, жорий йилнинг 1 май куни у спиртли ичимликдан маст ҳолатда Самарқанд шаҳридаги кўп тармоқли болалар шифохонаси олдидан О.Қўзибоевнинг бошқарувидаги Ласетти “Gentra” русумли автомашинасига йўловчи сифатида ўтиради ва “Темирйўл” деҳқон бозорига олиб бориб қўйишни сўрайди. Йўлда кетаётиб, ҳайдовчи зарур иш юзасидан банкка кириб чиқишини айтади ва автомашинада аёлни ёлғиз қолдиради.

Автомашинанинг калити ҳам ўз ўрнида қолган эди. Буни кўриб, С.Норованинг фикри кутилмаганда бузилади ва у қаровсиз қолдирилган автомашинани олиб қочади. Аммо узоққа қочиб кетолмайди, Самарқанд шаҳридаги Спитамен шоҳкўчасида ИИБ ходимлари томонидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида ушланади. Буёғини сўрасангиз, автомашинанинг олд йўловчи эшиги, ён томон ойнаси ва ҳайдовчи тарафи пачоқланганди. Аниқроғи, С.Норованинг айби билан автомашинага 2 миллион 278 минг сўмлик зарар етказилганди.

Албатта, ҳаётда ҳар қандай жиноий қилмиш жазосиз қолмайди. Суд С.Норованинг транспорт воситасини олиб қочишда ифодаланган ижтимоий хавфли қилмиши дастлабки тергов идораси томонидан Жиноят кодексининг 267-моддаси 1-қисми билан тўғри малакаланган деб ҳисоблади. Шунингдек, суд судланувчининг жиноят содир этишдаги ҳолатларига баҳо бериб, унинг айбига иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар, унинг ушбу жиноятни ғаразли ниятда содир этганини эса, жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топди.

Суд С.Норовага нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда Олий суд Пленумининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 26-бандидаги “Озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга, шунингдек, судланувчининг шахсини инобатга олган ҳолда — ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса, қўлланилади”, шунингдек, ушбу қарорнинг 37-моддасидаги “ЖКнинг 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодексининг Махсус қисмида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу воситада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин” деган раҳбарий тушунтиришларга таянди.

Суд судланувчининг оилавий шароити, аёллиги, ёши, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар, унинг айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан пушаймонлиги, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси борлиги, содир этилган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасига ҳуқуқий баҳо берди.



Суд янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 20-моддаси тўртинчи бандидаги “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак” деган кўрсатмаларга риоя қилган ҳолда, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имконияти мавжуд эмас, деган қатъий тўхтамга келди.

Суд жараёнида С.Норованинг қарамоғидаги 2023 йил 4 декабрда туғилган фарзанди Э.Норованинг масаласи ҳам муҳокама қилинди. Суд келгусида вояга етмаган Э.Норованинг тарбияси, парваришланишини таъминлаш ва фарзандликка бериш масаласини ҳал этишни Самарқанд шаҳар ҳокимлиги болаларни ҳимоя қилиш шуъбаси зиммасига юклатди.

Қисқаси, судланувчи С.Норова Жиноят кодексининг 267-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топилиб, унга нисбатан Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаган ҳолда, уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Шунингдек, тайинланган жазога жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2022 йил 18 январдаги ҳукми билан тайинланган 2 миллион 700 минг сўм жарима жазоси ҳам тўлиқ қўшилди.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, юқорида баён этилганлардан ҳам кўринадики, жиноий қилмишга қўл уриш, оила, фарзанд неъматининг қадрига етмаслик ҳамиша ана шундай аянчли якун топади. Ҳолбуки, С.Норова ҳам ҳаётга очиқ кўз билан қараб, аввало оиланинг қадрига етганда, бир хонадоннинг суюкли бекаси, фарзандининг меҳрибон онаси деган юксак номга мушарраф бўларди. Унинг бундай шарафли масъулиятни буткул унутиши, ҳаётга енгил-елпи қараши ўзига жуда қимматга тушди. Бу бошқаларга ҳам сабоқ вазифасини ўташи керак.

Жонибек РАУПОВ,
жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди судьяси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
“Куч – адолатда” мухбири

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бахтиёр ИСЛАМОВ
Робахон МАХМУДОВА
Халилилло ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВ
Шуҳрат ПОЛВАНОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Азиз АБИДОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-1115 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 3935
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22^{00}. Топширилди: 22^{10}.